

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

Литяга Артём Валерьевич

**Силикат композициялар таркибли антипиренлар асосида полимер
материалларни ёнғин хавфсизлигини ошириш**

**05.10.02- “Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Литяга Артём Валерьевич

Силикат композициялар таркибли антипиренлар асосида полимер
материалларни ёнгин хавфсизлигини ошириш 3

Литяга Артём Валерьевич

Повышение пожарной безопасности полимерных материалов на основе
антипиренов содержащих силикатные композиций..... 23

Lityaga Artyom Valerievich

Improving fire safety of polymeric materials based on fire retardants containing
silicate compositions.....43

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.T.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

ЛИТЯГА АРТЁМ ВАЛЕРЬЕВИЧ

**СИЛИКАТ КОМПОЗИЦИЯЛАР ТАРКИБЛИ АНТИПИРЕНЛАР
АСОСИДА ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРНИ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ
ОШИРИШ**

**05.10.02- “Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнгин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/T1242 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.akademiyafovv.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қурбанова Моҳира Абдувахобовна
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Расмий оппонентлар:

Нурқулов Файзулла Нурмунинович
техника фанлари доктори, к.и.х.

Мусаев Маруфджон Набиевич
техника фанлари номзоди, профессор.

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.40/30.12.2020.T.129.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил 31 январь соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100102 Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. (тел: (71) 258-35-33, факс: (71) 258-56-57, e-mail:info@akademiyafovv.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академиясининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 7 рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 100102 Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. (тел: (71) 258-35-33, факс (71) 258-56-57, e-mail:info@akademiyafovv.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» январь куни тарқатилди.
(2021 йил 16 ноябрь кунидаги 1-рақамли реестр баённомаси).

Б.Т.Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

Х.М.Дўсмаатов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, к.ф.н., доцент

Ш.Э.Қурбанбоев

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнгги йилларда табиий ва техноген тусда содир бўлган ёнғин офатлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Сўнгги беш йилдаги ёнғинлар офатлари таҳлил қилинганида, ўртача бир йилда 7-8 миллион ёнғин содир бўлгани, бундан инсонларнинг ҳалок бўлиш ҳолатлари 80-90 минг кишини, жароҳатланишлар сони 600-800 минг кишини ва моддий зарар миқдори 40 миллиард АҚШ долларини ташкил этади¹. Дунё бўйича содир бўлган ёнғинларнинг кўлами, катталиги ва ўзига хослиги ўрганилганида, биноларнинг конструкциялари ва пардозлаш материаллари сифатида қўлланилаётган полимер материаллари бўйлаб ёнғин тез тарқалиши ва улардан қуюқ тутун ажралиши натижасида инсонларни эвакуация қилиш ҳамда моддий бойликларни сақлаб қолиш жараёнида ҳам етарлича муаммоларни келтириб чиқариши аниқланди. Шу сабабли, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муаммоларининг илмий-техник ечимларини топиш мақсадида кенг қўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш талаб этилади. Қурилиш конструкциялари, пардозлаш ва тўқимачилик материалларини ёнғиндан сақлаб қолиш мақсадида алангадан ҳимояловчи турли самарали воситаларидан фойдаланиш, мазкур материалларга композициялар билан ишлов бериш, қийин ёнувчи полиолефинлар, лок-бўёқ ва бошқа материалларнинг таркибларини яратиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ этишга катта эътибор қаратиш керак эканлиги ҳам долзарб масалалардан биридир.

Жаҳонда полиолефинлар ва целлюлоза асосида иссиқликка ҳамда оловга чидамли хусусиятларга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, шунингдек, ишлатиладиган материалларнинг сифати ва мустаҳкамлигини яхшилашга, бино ва иншоотларининг ёнғин хавфсизлигини оширишга йўналтирилган изланишлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, шимдириш ва қуйиш аралашмалари сифатида ишлатиладиган силикат композицияларига асосланган антипиренларни танлаш, керакли даражада физикавий, механик, термофизик ва диэлектрик хусусиятларидан ташқари, кам ёнувчанлик хусусиятларга эга бўлиши тақозо этилади. Шунинг учун кўп функцияли модификаторларни, шунингдек, полимер материалларнинг хусусиятларини мақсадли тартибга солиш учун кўп функцияли таъсирга эга бўлган модификаторларни танлаш, ёнувчанликни камайтириш алоҳида аҳамиятга эга ва долзарб масаладир.

Республикасида ҳам бино ва иншоотлар қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлигини ошириш мақсадида, органик ва ноорганик компонентлардан фойдаланиб, оловбардошликни оширувчи композициялар яратиш борасида кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан маҳаллий хом ашё асосидаги олов таъсиридан ҳимоя қатламини ҳосил қилувчи, таркибида галогенлар бўлмаган ва

¹ <https://ctif.org/world-fire-statistics>

ёнувчанлиги паст бўлган янги композицияларининг таркибларини яратиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2019 йилнинг 24 августдаги ПҚ-4426-сон “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятни янада ошириш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида ва хорижий олимлар томонидан кейинги йилларда силикат композициялари билан модификацияланган қийин ёнувчан полимер ва тўқимачилик материалларни яратиш технологияси ва структурасининг илмий асослари ишлаб чиқилган. Силикат композициялари билан модификацияланган қийин ёнувчан полимер ва тўқимачилик материалларини яратиш назарияси ва амалиётига Б.Тавиа, Р.Е.Лион, К.Н.Дубенецкий, А.В.Голованов, А.А.Берлин, К.Е.Перепёлкин, Э.Р.Хашхожев, В.А.Герасин, Б.Б.Серков, С.И.Хвостенков, О.Н.Крашенинников, Я.А.Ахтямов, Ю.М.Тихонов, А.В.Сидоров, А.С.Макбузов, А.Н.Шчербин, А.З.Жуков, М.Бланез, А.Н.Нгуен, А.П.Пожнин, А.И.Колцов, Л.Дюлак, А.В.Побединский, А.Т.Джалилов, Т.М.Миркамилов, И.И.Исмаилов, О.Т.Максумова, М.Искандерова, П.А.Арифов, А.А.Сулейманов, Б.Т.Ибрагимов, Ш.Э.Қурбанбаев ва бошқа тадқиқотчилар катта ҳисса қўшганлар.

Ҳозирги кунда полиолефинлар ва целлюлоза асосида иссиқликка ҳамда оловга чидамли хусусиятларга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, шунингдек, ишлатиладиган материалларнинг сифати ва мустаҳкамлигини яхшилашга, бино ва иншоотларининг оловбардошлигини ошириш учун ёнғинга хавфсиз қурилиш материалларининг янги намуналарини ишлаб чиқариш мақсадида кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш усуллари ва технологиясини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишларни янада жонлантириш тақозо этилмоқда.

Сўнгги йилларда қурилиш материалларининг ёнувчанлиги юқорилиги, тез ва осон ёниб кетиш хусусияти борлиги ёнғин-қутқарув хизмати учун жуда катта муаммоларни тўғдирмоқда. Бу эса, ҳозирги кунда жаҳонда ва Ўзбекистонда ҳам олов ва иссиқликбардош полимер материалларни ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш борасида ҳам тадқиқотлар олиб бориш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҳамда БВ-Атех-2018 “Маҳаллий минерал хом ашё асосида қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва олов таъсиридан изоляциялаш даражасини кўтариш” (2018–2020 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади силикат композицияларни ўз ичига олган маҳаллий антипиренлар асосида янги турдаги полимер материалларни ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий хом ашё асосида силикат композициялари билан модификацияланган полимер материалларнинг ёнғин хавфсизлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш;

материалларнинг ёнғинга чидамлилиги, ёнувчанлиги, тутун ҳосил бўлиши, кислород индекси ҳамда полиолефин, ёғоч ва тўқимачилик материалларнинг термо-оксидланиш барқарорлиги каби техник хусусиятларини таҳлил қилиш;

стандарт усуллардан фойдаланган ҳолда, материалларнинг ёнғин-техник хусусиятларини тадқиқ қилиш методологиясини ишлаб чиқиш, уларнинг ёнувчанлик хусусиятларини камайтирувчи воситаларнинг ролини (таъсир механизми) аниқлаш, шунингдек, ёнғин хавфи камайтирилган материалларни яратиш бўйича ишларнинг самарали йўналишини танлаш;

олинган амалий ёнғиннинг хавfli хусусиятларини лаборатория ускуналарида ўтказилган оловли синов натижалар асосида прогнозлаштирилаётган маълумотларни ҳисоб-китоб кўрсаткичлари билан таққослаш;

вермикулит асосида силикат композициялари билан модификацияланган ва оловга чидамли полимер қопламаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда саноат миқёсидаги ишлаб чиқаришда синов-тажриба намуналарини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти: силикат композициялари билан модификацияланган янги оловдан ҳимояловчи таркиблар ёрдамида полимер материалларнинг иссиқликка, оловга ва ёнғинга қарши хусусиятларини ошириш асосида бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги даражасини ошириш.

Тадқиқот предмети: ортофосфор кислотаси, силикат композициялар, Тебинбулоқ вермикулити, паст зичликдаги полиэтилен, ёғоч, сув дисперсли бўёқлар ва тўқимачилик материаллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида термодизик, оловбардошлик, ёнувчанлик, тутун ҳосил қилиш коэффиенти, кислород индекси ва материалларнинг чўғланиш хусусиятларини аниқлашнинг стандарт усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иссиқликка чидамли ва қийин ёнувчан полимер материалларни олиш учун силикат композициялари асосида антипиренлар ишлаб чиқилган;

вермикулит минерали асосида юқори дисперсли оловга чидамли тўлдирувчи моддаларнинг янги таркиблари ишлаб чиқилиб, мазкур минералларнинг ёнғиндан ва иссиқликдан ҳимоя қилиш хусусиятларини ошириш усулини такомиллаштириш эвазига тўқимачилик ва ёғоч материалларини қийин ёнувчи материаллари гуруҳига ўтказиш имконияти яратилган;

модификацияланган майда дисперсли вермикулитлар асосида оловга чидамли силикат бўёқ маҳсулотларини олиш технологияси ва структураси ишлаб чиқилган;

майда дисперсли вермикулитлар асосида тўқимачилик материаллари учун шимдирувчи модда кўринишидаги янги ёнғинга қарши суспензияли композициялар яратилган ва ушбу композицияларнинг кўшимча кўрсаткичларининг самарадорлигини баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагича:

қийин ёнувчи полиэтилен материалларни олиш учун силикат таркибига асосланган ёнғинга қарши воситаларни олишнинг технологик усуллари ишлаб чиқилган;

маҳаллий минерал хомашё, яъни, вермикулит асосида оловдан ҳимояловчи антипиренли суспензиялар ва қопламалар ҳамда бинолар, иншоотлар ва ёнғин-қутқарув бўлинмалари ходимлари учун жанговар кийимларининг оловбардошлилигини ошириш учун янги турдаги суспензиялар яратилди;

ишлаб чиқилган янги ёнғинга қарши қопламалардан фойдаланиш орқали қурилиш материалларининг ёнғин хавфини сезиларли даражада камайтиришга, шу жумладан, ёнғинга қарши қопламалардан фойдаланиш орқали ёнувчан ёғоч материалларини қийин ёнувчан, тўқимачилик материалларни эса ёнмайдиган материаллар гуруҳига ўтказишга эришилди;

вермикулит минералига асосланган нанозаррачаларни ўз ичига олган суспензияли қопламалар ишлаб чиқилган. Улар асосида янги оловга чидамли композициялар яратилди ва полимер ҳамда тўқимачилик материалларининг ёнғинга чидамлилигини баҳолаш самарадорлигини оширишнинг янги усули ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқотлар замонавий термик, физик ҳамда таҳлилнинг стандарт эксплуатацион усулларида фойдаланган ҳолда амалга оширилиб, экспериментал синовлар лаборатория шароитида, шунингдек, лок-бўёқ ҳамда тўқимачилик саноати корхоналарида ўтказилиб, далолатномалар билан тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суспензия кўринишидаги силикат композициялар ва вермикулит асосидаги антипиренларни кўшиш орқали полимер ва тўқимачилик материалларнинг ёнғин хавфсизлигини

оширишни ҳамда суспензия ва қопламалар таркибларининг кўшимча кўрсаткичлари самарадорлигини баҳолаш усули орқали иссиқликга чидамлилигини ва оловбардошлилигини аниқлаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти силикат композицияли антипиренлар асосидаги ёнғиндан хавфсиз қурилиш ва тўқимачилик материалларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда маҳсус ишлар учун мўлжалланган целлюлоза материалларни шимдириш билан изоҳланади. Ушбу технология бино ва иншоотлар ҳамда ёнғин-қутқарув бўлинмалари ходимлари учун мўлжалланган жанговар кийимларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш орқали импорт ўрнини босувчи маҳаллий антипирен ва полимер маҳсулотларнинг турларини кенгайтиришга ёрдам беради. Иш натижаларидан полиэтилен асосидаги оловбардош материалларни олиш жараёнининг технологиясини яратиш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.

Тебинбулоқ вермикулити маҳаллий минерал хомашёси асосида ишлаб чиқилган ёғоч материалларни оловдан самарали ҳимоя қилувчи янги таркибли лок-бўёқ материали “CLOBAL-BUILDING-GROUP” МЧЖга ишлаб чиқариш учун жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар муаммолари илмий-тадқиқот институти синов марказининг 2021 йил 28 апрелдаги 148-сонли баёни, “CLOBAL-BUILDING-GROUP” МЧЖнинг 2021 йил 02 августдаги далолатномаси, “O'zsanoatqurilishmateriallari” Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 05/15-2347 – сон ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдаги 09-05/12440 – сон маълумотномалари). Натижада янги олинган олов ва иссиқликдан самарали ҳимояловчи лок-бўёқ материаллари ва антипиренлар қурилиш материалларни ёнувчан (Ё4) гуруҳидан, қийин ёнувчан (Ё1) гуруҳига ўтказилиши учун хизмат қилган ва ёғоч материалларнинг критик чўғланиш қийматини 14 дақиқадан 18-19 дақиқাগача ошириши, камида 1,1 маротабагача яхшиланиши, ёғоч конструкцияларнинг мустаҳкамлигини 1,1% гача, термикбардошлилигини 1,1-1,15% гача ошириш имкониятини берган. Шунингдек, ёғоч конструкцияларининг тутун ҳосил қилиш коэффициентини 1,2% гача, ёнғин тарқалиш тезлигини 1,2 баробаргача камайтириш орқали олов бардошлилигининг ошиши илмий асосланган, лок-бўёқ материалларини антипиренлар билан модификациясининг қўлланилишида йиллик иқтисодий самарадорлик 560 000 000 (беш юз олтмиш миллион) сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 2 та илмий мақола хорижда, 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда, 10 таси халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган диссертация мавзуси муаммонинг ўрганилганлик даражаси бўйича хорижий ва мамлакатимизда ўтказилган илмий тадқиқотлар ҳақидаги умумий маълумотлар келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Полимер-силикатли композицион материалларнинг умумий характеристикаси**» номли биринчи бобида сўнгги йилларда жаҳон ишлаб чиқаришида оловбардош, қийин ёнувчан, физик-механик хоссалари оширилган, полимер-силикат материалларнинг қўлланилиш долзарблиги кўрсатилган. Ишлаб чиқаришда бундай композицион материаллар самарадорлигининг юқорилиги сабабли силикат композицион бирикмалар асосида олинган антипиренлар хизмат қилиши, шунингдек, вермикулитни маҳаллийлаштирилиш масалалари кўриб чиқилган. Қурилиш ва саноатда ёнғинни олдини олувчи турли хилдаги тўқимачилик материаллари кенг қўлланиладиган хорижий давлатлар тажрибаси асосида тегишли адабиётлар қиёсланган ҳолда муҳокама қилинди. Шунингдек, ёнғин хавфини баҳолаш тизими ёнғиннинг турар-жой биноларида хавfli ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ҳисобга олиш, ёнғинни хавфини олдини олиш, таҳлил қилиш усулларининг муаммоли масалалари, тутун ҳосил бўлиши натижасида келтирилган зарарлар бўйича ва уларнинг оқибати бўйича маълумотлар кўриб чиқилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида полиолефин ва тўқимачилик материаллари асосида олинадиган маҳсулотлар иссиқликка ҳамда оловга бардошсизлиги, тез ёнувчанлиги ва ёниш натижасида заҳарли тутун ҳосил қилиши ёнғин пайтида турар-жой биноларда аҳолининг ҳаёти ва соғлигига зарари бўйича маълумотлар тўпланган ва таҳлил қилинган.

Республикаимизда сўнгги йилларда содир бўлган ёнғинлар ўртача бир йилга 11000 тадан тўғри келиб, йилдан йилга камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Афсуски, инсонлар ҳалок бўлиш ҳолатлари 124 тани инсонни ташкил этиб, кўпайиш тенденциясига, тан жароҳатини олиш ҳолатлари 259 инсонни ташкил этиб, камайиш тенденциясига, моддий зарар эса 145,9 миллиард сўмни ташкил этиб, кўпайиш тенденциясига эга. Мазкур ёнғинларнинг тахминан 70% аҳоли

яшаш секторларига тўғри келиб, инсонларнинг ёнғинларда ҳалок бўлишининг асосий сабаби ёнғин натижасида куйиш эмас балки, 80% ҳолатларда инсонларнинг тутундан заҳарланиб ҳалок бўлиш ҳолатлари ўрганилган. Ёнғинларда инсон заҳарланишининг асосий сабаби аҳоли яшаш жойларида қўлланиладиган, яъни қурилиш ва пардозлаш материалларининг 70% ташкил этадиган полимер материалларидан ажралаётган тутун ҳисобланади. Ушбу муаммоларни танқидий таҳлили асосида диссертация тадқиқотининг мақсад ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг иккинчи «**Экспериментал тадқиқот усуллари**» деб номланган бобида, тадқиқот ўтказиш учун қўлланилган материаллар ва наъмуналарни тайёрлаш усуллари, полимер материалларнинг ёнғинга қарши хусусиятларини, оловбардошлик, кислород индекси ва тутун ҳосил қилиш коэффициентини аниқлаш усуллари, полимерларнинг термодиструкциясининг кинетикасини ўрганиш усуллари ва уларнинг ҳисоб-китоби ёритилган. Горизонтал қотирилган намуна бўйлаб олов тарқалиш тезлигини аниқлаш мақсадида (ГОСТ 28157-89) стандарт усулидан фойдаланилди.

Ёғоч ва тўқимачилик материаллари намуналарига Бунзен газ горелкаси орқали берилган олов 30 сония давомида термик таъсир этилди. Сўнг горелка олиниб мустақил ёниш вақти ҳисобланди. Термик таъсир бериш жараёни тўхтатилгандан сўнг материал дарҳол ўчиб қолган ва шу орқали унинг қийин ёнувчанлиги илмий исботини топди.

Ҳар бир намунанинг ёниш тезлиги v (мм/дақ) қуйидаги формула орқали аниқланди:

$$v = \frac{60L}{t}, \quad (1)$$

бунда L – ёнган қисмнинг узунлиги, мм;

t – ёниш вақти, с. Қаттиқ моддаларнинг қийин ёнувчи ва ёнувчи гуруҳларини аниқлаш мақсадида стандарт усулдан (ГОСТ 12.1.044-2018) фойдаланилди. Тадқиқот вақтида камерага ушлагични 5 сония ичида киритилди ва 5 дақиқа мобайнида синалди. Бунда термик ва ёниш таъсир ҳарорати 260 °С оширилмади. Сўнг совуб қолган намунани камерадан олиб, массаси аниқланди.

Ҳароратнинг (Δt_{max}) максимал кўтарилиши қуйидаги формула орқали аниқланди:

$$\Delta t_{max} = t_{max} - t_0, \quad (2)$$

бунда t_{max} – тадқиқ қилинаётган материалнинг ёниши натижасида ажралаётган газсимон маҳсулотларининг максимал ҳарорати, °С ;

t_0 – 200 °С тенг бўлган бошланғич ҳарорат.

Намунанинг (Δm) фоизда масса йўқотишини куйидаги формула орқали аниқланди:

$$\Delta m = \frac{m_n - m_k}{m_n} \cdot 100, \quad (3)$$

бунда m_n – тадқиқотгача намунанинг массаси, г;

m_k – тадқиқотдан сўнг намунанинг массаси, г.

Материалларнинг тутун ҳосил қилиш ҳусусиятини аниқлаш мақсадида, қаттиқ моддалар ва материалларнинг тутун ҳосил қилиш коэффицентини аниқлаш учун мўлжалланган стандартли усулдан (ГОСТ 12.1.044-2018) фойдаланилди. Тадқиқот чўғланиш режимида олиб борилди.

$m^2 \cdot \text{кг}^{-1}$ да тутун ҳосил қилиш коэффиценти (D_m) куйидаги формула орқали аниқланди:

$$D_m = \frac{V_n}{l_m} \ln \frac{T^0}{T_{\min}}, \quad (4)$$

бунда V – ўлчов камерасининг сиғими, m^3 ;

L – тутунланган муҳитда нур ёруғлигининг узунлиги, м;


m – намуна массаси, кг;

T_0 и T_{\min} – бошланғич ва сўнгги нур ўтказишининг кўрсаткичлари, %.

Диссертациянинг «**Экспериментал қисм**» деб номланган учинчи бобида, полиэтиленнинг ёнувчанлигига силикат композициялар асосида олинган антипиренларнинг таъсири ўрганилди, антипиренлар билан модификацияланган ёғоч ва тўқимачилик материалларнинг ёнувчанлиги, олов тарқалиш тезлиги ва тутун ҳосил қилиш коэффиценти тадқиқот қилинди.

Тадқиқот предмети бўлиб паст босимли полиэтилен хизмат қилган. Қўшимча сифатида 1:1:1 нисбатда стеарин кислотаси билан натрий метасиликати ва фосфор кислотаси билан мочевина аддукти асосидаги АП-1, 1:1 мол нисбатда натрий метасиликати ва фосфор кислотаси билан мочевина аддукти асосидаги АП-2, эпихлоргидрин билан натрий метасиликати асосидаги АП-3, 1:1 мол нисбатда метасиликат билан натрий тетраборати асосидаги АП-4, 1:2 мол нисбатда стеарин кислотаси билан тетраэтоксилан асосидаги АП-5, 1:1:1 мол нисбатда стеарин кислотаси билан натрий гексафторсиликат асосидаги АП-6 антипиренлари кўлланилди. Лаборатория тадқиқотлари даврида материалларнинг мустақил ёниш вақти аниқланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, ёниш жараёнини камайтирувчиларнинг таъсири самарадорлиги композитларнинг мустақил ёнишининг давомийлигига қараб баҳоланди. Мазкур усул ёндириш манбаси таъсирида пластмасса материаллари алангаланишининг нисбий ҳусусиятини қиёсий баҳолаш учун мулжалланган. 1-расмдаги маълумотларга қараб АП-2 и АП-6 кремний таркибли антипиренларида фтор ва кремний атомларининг боғлари мавжуд бўлганлиги сабабли, бошқа АП-1, АП-3, АП-4, АП-5 антипиренларга нисбатан

полиолефинларнинг ёниш жараёнини камайтиради ва юқори оловбардош эканлиги кўрсатади.




1-расм. 1- ПЭ+АП-1; 2-ПЭ+АП-2; 3-ПЭ+АП-4; 4- ПЭ+АП-4; 5- ПЭ+АП-5; ПЭ+АП-6 антипиренлар билан модификацияланган полиэтиленлар таркибининг ўчиб қолиш вақтига боғлиқлиги

Полимернинг термик деструктивлиги жараёнида фтор ва силикатларнинг каталитик активлиги иссиқлик таъсирини пасайиши томон жараёни силжитишга ва у билан иссиқлик ажралишининг максимал тезлигини камайтиришга имконият беради. Ҳозирги кунда реал ёнғин шароитига яқин юқори ҳароратлар даврида материалларнинг ҳолатини аниқлашни имкониятини берадиган дифференциал термик ва термографик таҳлил усуллари бўйича тадқиқ қилинган термик тавсифлари полимер материалларининг оловбардошлигини баҳолашда ҳақиқатга яқинроқ (аниқ ва информатив) ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўриб чиқилаётган ҳолатда оддий коксга нисбатан гетерофункционал гуруҳ ва кислородни сақлаётган, каталитик фаол силоксанлар билан яқин алоқаси сабабли кремний таркибли олигомерларнинг гетерофункционал гуруҳлар таркибида бўлган полиолефинлар макромолекулаларининг бир қисми кўпроқ иссиқликга чидамли ҳисобланади. АП-2 ва АП-6 кремний таркибли антипиренлар таркибида бўлган полиэтиленлар учун алангаланиш индукциясининг пасайиши дастлабки полиэтиленга нисбатан хосдир. Дастлабки полиэтиленга нисбатан ПЭ+АП-2 ва ПЭ+АП-6 композитининг ёниб кетишида солиштирма тутун ажралишининг кўрсаткичи аҳамиятсиз ҳисобланади (2-расм).

Антипиренлар билан модификацияланган сув-дисперсли қопламаларнинг термооксидли деструкциянинг кинетикаси термогравиметрия ва дифференциал-сканерли калориметрия усуллари орқали аниқланди. Дифференциал сканерли калориметрия маълумотлари бўйича олтига ҳар хил модификацияланган сув-дисперсли бўёқларнинг иссиқликга чидамли

кўрсаткичлари 1-жадвалда кўрсатилган. Жадвалда, АП-1, АП-2, АП-3, АП-4, АП-5 ва АП-6 олигомер антипиренлар билан модификацияланган намуналар учун 600-622К да полимерларнинг баланд ҳароратга бардошлилигига мос келадиган энг баланд ҳароратнинг нуқталари кўрсатилган.



2-расм. Намуналарнинг ёниб кетиш вақтига тугун ҳосил бўлиш тезлигининг боғлиқлиги

Эриш учун талаб этиладиган иссиқлик миқдорининг ҳисоб-китоби даврида юқори нуқтанинг майдони қанча катта бўлса кристаллашиш даражаси шунчалик баланд бўлиши аниқланди.

1-жадвалда келтирилган дифференциал сканерли калориметрия маълумотларга кўра кристаллашиш даражаси тўғрисида фикр юритса бўлади. Тор ҳарорат доирасида баланд ҳарорат даврида эришнинг юқори нуқтаси полимернинг яхши шаклланиши ва катта миқдорда кристалланишини кўрсатмоқда.


1-жадвал

Дифференциал сканерли калориметрия маълумотларига кўра модификацияланган сув-дисперсли бўёқларнинг иссиқликга чидамли кўрсаткичларини тадқиқотининг натижалари

№	Полимернинг намуналари	Парчаланиш ҳарорати, К			Муайян бир ҳароратда массани йўқотиш, %		
		$T_{0\%}$	$T_{10\%}$	$T_{20\%}$	$T_{539\text{ да}}$	$T_{639\text{ да}}$	$T_{839\text{ да}}$
1.	СДБ-стабилизаторсиз	408	616	626	3,1	13,5	17
2.	СДБга АП-1 (1%)ни қўшиш йўли билан	495	616	672	1,9	11,3	12,57
3.	СДБга АП-2 (1%)ни қўшиш йўли билан	490	605	651	1,6	10,9	13,2
4.	СДБга АП-3 (1%)ни қўшиш йўли билан	500	609	657	1,7	11,6	14,3
5.	СДБга АП-4 (1%)ни қўшиш йўли билан	476	614	643	2,4	11,86	12,5
6.	СДБга АП-5 (1%) ни қўшиш йўли билан	496	607	645	2,3	11,0	14,8
7.	СДБга АП-6 (1%) ни қўшиш йўли билан	503	611	677	1,8	11,4	12,5

Таклиф этилаётган антипиренларнинг ёнувчанлигини тадқиқот қилиш даврида, барқарорлаштириш учун Шўртан газ кимё мажмуасининг Р-Ү 342 и F-Ү-720 турдаги паст зичли ($\rho=0,9220 \text{ г/см}^3$) маҳаллий полиэтилен хомашёси қўлланилди. Тадқиқот натижасида АП-6 кремний таркибли антипирен таркибида ёниш жараёнини камайтирадиган кремний билан фтор атомлари боғлари мавжудлиги сабабли, АП-1, АП-3, АП-4 антипиренларга қараганда юқори оловбардошлилигини намаён этди.

Бундан ташқари, полимернинг термик деструкцияси жараёнида фторосиликатларнинг каталитик фаоллиги иссиқлик самарасини камайтириш томонига жараённи силжитади ва шу ўринда иссиқлик ажралишининг максимал тезлигини камайтиради. Натижада ёнувчанликни камайтириш механизми кўринишидаги полимерларнинг ёниш жараёнига кремний таркибли олигомерли антипиренларнинг таъсир қилиши ўз ўрнига эга.



3-расм. Модификацияланган полиолефинларнинг таркибига ўчиб қолиш вақтининг боғлиқлиги (1-ПЭ+ АП-1 (1%); 2-ПЭ+АП-2; 3- ПЭ+ АП-3; 4- ПЭ+ АП-4; 5- ПЭ+ АП-5; 6- ПЭ+ АП-6; 7-ПЭ+АП-1(0,5 %); 8-ПЭ+АП-1(2%); 9- антипиренсиз ПЭ)

Олинган полиолефинларнинг ГОСТ 21207-81 бўйича ёнувчанлигини тадқиқоти паст босимли полиэтилен таркибига антипиренлаштирувчи тизимларнинг киритилиши ёниш вақтининг қисқаришига олиб келади (2-жадвал). Бу кўрсаткич бўйича энг самарали оловни ўчирувчи таркиб АП-5 паст босимли полиэтилен эканлиги аниқланди. Бунда АП-5 кремний таркибли антипирен билан модификацияланган полиолефиннинг ёниш вақти 10 сониядан ошмади ва полиэтилен асосидаги композитни қийин ёнувчи материаллар тоифасига киритиш имкониятини беради. Олинган композитларнинг оловбардошлилиги бўйича тадқиқотлар антипиренлар билан полиэтиленнинг олигомер композицияси синергетик самарадорлиги юқори эканлигини тасдиқлади.

2-жадвал

Полиэтилен билан кремний таркибли олигомер антипиренлар асосидаги
композитларнинг ёнувчанлигининг натижалари

№	Намуналар	Ёниш вақти, сония.	Ёндириш ҳарорати, К	Кислородли индекс, %
1.	Стабилизаторсиз ПЭ	180	616	18
2.	ПЭга 1% АП-1ни қўшиш йўли билан	95	674	27
3.	ПЭга 1% АП-2ни қўшиш йўли билан	98	671	26
4.	ПЭга 1% АП-3ни қўшиш йўли билан	91	705	25,7
5.	ПЭга 1% АП-4ни қўшиш йўли билан	87	714	30
6.	ПЭга 1% АП-5ни қўшиш йўли билан	115	638	23
7.	ПЭга 1% АП-6ни қўшиш йўли билан	76	710	29
8.	ПЭга 1% CESA TM -flam PE 41329/A ни қўшиш йўли билан	96,6	707	27,5

Ёниш вақтида химоя қилинаётган полимернинг юзасида коксли қатлам пайдо бўлиб, ортофосфорли кислота билан мочевина аддукти эса ёниш зонасига ташқи ҳудуддан кислород диффузиясини ҳамда деструкциянинг учувчан маҳсулотларини ушлаб қоладиган жисмоний тўсиқни яратиши аниқланди.

3-жадвал

Антипиренли таркиб билан шимдирилган, горизонтал қотирилган ёғоч намуналари
бўйлаб олов тарқалиш тезлигининг синов натижалари

№	Намуналар	Ёнишдан олдин		Ёнишдан кейин		Олов тарқалиш тезлиги v , мм/мин		Ёниш вақти t , сония	
		Ҳар бир наму- нанинг	Ўртача қиймат	Ҳар бир намуна- нинг	Ўртача қиймат	Ҳар бир намуна- нинг	Ўртача қиймат	Ҳар бир намуна- нинг	Ўртача қиймат
1.	Назорат намунаси	6,501		4,250		83,5		104	
2.	АС-1	7,186	6,543	6,259	5,773	19,04	19,49	63	52,2
3.	АС-1.1	6,487		5,889		21,42		42	
4.	АС-1.2	5,969		5,372		14,63		41	
5.	АС-1.3	6,069		5,428		28,08		52	
6.	АС-1.4	7,007		5,918		14,28		63	

Антипиренлар билан модификацияланган ёғоч ва тўқимачилик материаллари бўйлаб олов тарқалиш тезлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқот натижалари 3-4-жадвалларда берилган. Синов натижаларига кўра ГОСТ 28157-89 бўйича АС антипирени билан шимдирилган ёғоч

материалининг намуналари оловни тарқатувчи синфга кирмаслигини хулоса қилиш мумкин.

4-жадвал

Антипиренли таркиб билан шимдирилган, горизонтал қотирилган пахта толали тўқимачилик материалларнинг намуналари бўйлаб олов тарқалиш тезлигининг синов натижалари

№	Намуналар	Ёнишдан олдин намунанинг массаси m_0 , г		Ёнишдан кейин намунанинг массаси m_0 , г		Олов тарқалиш тезлиги v , мм/мин		Ёниш вақти t , сония	
		Ҳар бир намунанинг	Ўртача қиймат	Ҳар бир намунанинг	Ўртача қиймат	Ҳар бир намунанинг	Ўртача қиймат	Ҳар бир намунанинг	Ўртача қиймат
1.	Назорат намунаси	0,214		0,002		500		15	
2.	АС-1	1,184	1,211	1,059	1,119	0	0	30	30
3.	АС-1.1	1,189		1,076		0		30	
4.	АС-1.2	1,295		1,28		0		30	
5.	АС-1.3	1,195		1,090		0		30	
6.	АС-1.4	1,194		1,094		0		30	


3-4-жадвалларда берилган натижаларга кўра ГОСТ 28157-89 бўйича АС антипирени билан шимдирилган пахта толали тўқимачилик материалларининг намуналари оловни тарқатувчи синфга кирмаслигини хулоса қилиш мумкин. Қаттиқ моддаларнинг қийин ёнувчи ва ёнувчи гуруҳларини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқот натижалари 5-жадвалда берилган.

5-жадвал

Антипиренли таркиб билан шимдирилган, ёғоч намуналарининг қийин ёнувчан ва ёнувчан гуруҳларини аниқлаш бўйича синов натижалари

№	Намуналар	Намунанинг массаси, г			Таркибнинг сарфи		Намунанинг масса йўқотиши		Ўртача намунанинг масса йўқотиши	
		Ишлов берилгунгача	Ёндиришдан олдин	Ёнгандан кейин	Қопламалар, $\text{кг}/\text{м}^2$	Шимдирувчи таркиб, $\text{кг}/\text{м}^2$ ($\text{кг}/\text{м}^3$)	г	%	г	%
1.	Назорат намунаси	92,7	-	52,3	-	-	40,4	37,4	-	-
2.	АС-1	92,5	93,1	77,9	0,001	15,2	15,2	14,1	15,6	14,5
3.	АС-1.1	93,4	93,9	78,6	0,001	15,3	15,3	14,6		
4.	АС-1.2	94,2	94,9	79,3	0,001	15,6	15,6	14,8		

Олинган натижаларга кўра, ГОСТ 12.1.044-2018 бўйича намуналар қийин ёнувчи материаллар гуруҳига киритилди.



4-расм. Ёғоч намуналарнинг ўртача масса йўқотишининг кўрсаткичлари
 Ёғоч материалларининг тутун ҳосил қилиш хусусиятини аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижалари б-жадвалда кўрсатилган.

б-жадвал

Антипиренли таркиб билан ишлов берилган ёғоч намуналарининг тутун ҳосил қилиш хусусиятини аниқлаш учун ўтказилган тадқиқот натижалари

№	Тадқиқот режими (ёниш, чўғланиш)	Синов намунасининг рақами	Намуна массаси (гр).		Нур ўтказиши, %		Тутун ажралишининг давомийлиги, (дақ.)	Ҳар бир намуна учун тутун ҳосил қилиш коэффициент и, D_m , (m^2/kg)
			Синов-гача	Синов-дан кейин	Бошлан-ғич T_0	Сўнгги T_{min}		
1.	Назорат намунаси		22.368	0,99	0,37	0,08	22	128
2.	Чўғланиш	АС-1	22.689	2.22	0,37	0,12	22	44
3.	Чўғланиш	АС-1.1	24.801	2.55	0,37	0,12	21	30
4.	Чўғланиш	АС-1.2	22.401	1.89	0,37	0,12	22	48
5.	Чўғланиш	АС-1.3	22.209	1.86	0,37	0,12	21	49
6.	Чўғланиш	АС-1.4	22.527	2.25	0,37	0,12	21	48
7.	Чўғланиш	АС-1.5	22.695	2.22	0,37	0,12	21	43
8.	Чўғланиш	АС-1.6	24.345	2.46	0,37	0,12	22	34
9.	Чўғланиш	АС-1.7	22.551	2.19	0,37	0,12	22	44
10.	Чўғланиш	АС-1.8	22.002	1.86	0,37	0,12	22	48
11.	Чўғланиш	АС-1.9	22.347	2.19	0,37	0,12	21	38

б-жадвалдан тадқиқ қилинаётган фосфор ва вермикулит таркибли антипиренли суспензия билан шимдирилган ёғоч материалларининг тутун ҳосил қилиниш даражасининг ўртача кўрсаткичлари $DAП-1_{cp} \approx 42,6 m^2/kg$ ни ташкил этиши кўриниб турибди. ГОСТ 12.1.044-2018 талабларига асосан тадқиқот қилинаётган ёғоч материали кам тутун ҳосил қилиш хусусиятига эга эканлиги маълум бўлди. Тўқимачилик материалларининг тутун ҳосил қилиш


хусусиятини аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижалари 7-жадвалда кўрсатилган.

7-жадвал

Антипиренли таркиб билан ишлов берилган пахта толали тўқимачилик материали намуналарининг тутун ҳосил қилиш хусусиятини аниқлаш учун ўтказилган тадқиқот натижалари

№	Тадқиқот режими (ёғиш, чўғланиш)	Синов намунасининг рақами	Намуна массаси (гр).		Нур ўтказиши, %		Тутун ажралишининг давомийлиги, (дақ.)	Ҳар бир намуна учун тутун ҳосил қилиш коэффициент и, D_m , (m^2/kg)
			Синов-гача	Синов-дан кейин	Бошлан-ғич T_0	Сўнгги T_{min}		
1.	Назорат намунаси		0.681	0.015	0,37	0,30	10	33
2.	Чўғланиш	АСВ -1	3.591	2.451	0,37	0,37	0	0
3.	Чўғланиш	АСВ -1.1	3.087	2.037	0,37	0,37	0	0
4.	Чўғланиш	АСВ -1.2	3.027	1.917	0,37	0,37	0	0
5.	Чўғланиш	АСВ -1.3	3.57	2.293	0,37	0,37	0	0
6.	Чўғланиш	АСВ -1.4	3.387	2.247	0,37	0,37	0	0
7.	Чўғланиш	АСВ -1.5	3.267	2.103	0,37	0,37	0	0
8.	Чўғланиш	АСВ -1.6	3.306	2.115	0,37	0,37	0	0
9.	Чўғланиш	АСВ -1.7	3.336	2.169	0,37	0,37	0	0
10.	Чўғланиш	АСВ -1.8	3.201	2.094	0,37	0,37	0	0
11.	Чўғланиш	АСВ -1.9	3.471	2.322	0,37	0,37	0	0

7-жадвалдан тадқиқ қилинаётган фосфор ва вермикулит таркибли антипиренли суспензия билан шимдирилган пахта толали тўқимачилик материалларининг тутун ҳосил қилиниш даражасининг ўртача кўрсаткичлари $D_{AP-1cp} \approx 0 m^2/kg$ ни ташкил этиши кўриниб турибди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида синалган пахта толали тўқимачилик материали тутун ҳосил қилмаслиги маълум бўлди.



5-расм. Ёғоч ва тўқимачилик материалларининг тутун ҳосил қилиш коэффициентининг ўртача кўрсаткичлари

5-расмдан антипиренли суспензия билан шимдирилган ёғоч ва пахта толали тўқимачилик материалларининг тутун ҳосил қилиш даражаси назорат намуналарига қараганда камида икки баровар пастлиги кўриниб турибди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тадқиқ қилинаётган антипиренли суспензия билан шимдирилган ёғоч, пахта толали тўқимачилик материаллари оловбардошлик самарадорлигига эга.

Антипиренлар билан модификацияланган сув-дисперсли бўёқ билан ишлов берилган ёғочнинг ёнувчанлигини аниқлаш мақсадида махсус лабораторияларда кетма-кет тажрибалар ўтказилди. Таклиф этилаётган ёғоч намуналари ГОСТ 16363 талаблар бўйича синовдан ўтказилди. Олиб борилган тажриба синов натижалари 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Ёғоч қопламалари ва шимдирувчи таркибларнинг оловдан ҳимоя хусусиятларини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари берилган


№ т\р	Вақт, с			Масса, г		Йўқотилган масса	
	Ёндирувчи манбанинг таъсир эттирилиши	Мустақил ёниш	Чўғланиш	Синовгача	Синовдан кейин	Грамм	%
Сув-дисперсли бўёқ билан кавариқлантирилган вермикулит 20% нисбатда							
1.	120	45	25	111,66	103,04	8,22	7,72%
2.	120	41	24	143,65	139,43	4,22	2,94%
3.	120	39	31	159,3	145,78	13,52	8,49%
Ўртача:							6,38%
Сув-дисперсли бўёқ билан кавариқлантирилган вермикулит 40% нисбатда							
1.	120	35	42	125,43	118,02	7,41	5,91
2.	120	33	45	142,51	135,78	6,73	4,72
3.	120	36	44	147,87	139,72	8,15	5,51
Ўртача:							5,38

Ёғоч конструкциялар учун оловдан ҳимояловчи таркибларнинг намуналари синов натижалари бўйича ГОСТ 16363 га асосан оловдан ҳимояланган биринчи гуруҳга киритилди. Мазкур бобда келтирилган тадқиқот ускуналарининг рўйхати, уларнинг услубиёти ҳамда синов жараёни олинган натижалар ҳақиқий ва аниқлигини кўрсатди.

Диссертациянинг тўртинчи «**Экспериментал тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилиш**» деб номланган тўртинчи бобида, ёнғиндан хавфсиз силикат композициялар асосидаги қурилиш материалларни қўллашнинг самарадорлигини баҳолаш, ёнғиндан ҳимояланган қопламаларни ишлаб чиқишда ўзида силикат сақловчи антипирен бирикмаларини амалий қўлланилишини ўрганиш ҳамда лок-бўёқ қопламаларини олишнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоб-китобига бағишланган.

Турли хил таркибларни олиш бўйича юқорида келтирилган тажрибалар асосида иссиқликдан ҳимоя қилувчи лок-бўёқ материалларини ишлаб чиқариш бўйича таклиф этилаётган технологик жараёнда дастлаб корхонага келиб тушган маҳсулот сифати ва миқдори ҳужжатларга мослиги назоратдан ўтказилади ҳамда диссольтвернинг ичига хомашё солиниб, бир хил массага

айлангунга қадар аралаштирилади. Сўнг аралашмани юпқа шаклга келгунича майдалаш мақсадида бисерли тегирмондан ўтказилиб, кейин бўёқ ҳолатига келгунча тайёрланади ва тозалаш филтридан ўтказилади. Охириги жараёнда бўёқлар аралаштиргичлардан идишларга қуйилади (6-расм).



6-расм. Янги таркибли оловбардош лок-бўёқ материалларини ишлаб чиқариш технологиясининг схемаси:

1-антипиренларни киритиш учун сиғим; 2-сув дисперсли лок-бўёқни киритиш учун сиғим; 3-насос; 4-диссольтвер; 5-бисерли тегирмон; 6-электр аралаштиргич; 7-тозалаш фильтри; 8-идишларга қуйиш

Маҳаллий минерал маҳсулоти бўлган бўрттирилган вермикулит асосида янги самарадор оловдан ҳимояловчи бўёқни ишлаб чиқиш учун тегишли ишлаб чиқариш технологияси кашф қилиниб, тажриба-саноат ишлаб чиқариш синовлари ўтказилди.

Бундан ташқари, маҳаллий хом ашёлар вермикулит, ортофосфор кислотаси, силикат композициялар асосида янги турдаги таркиб ёнмайдиган материаллар гуруҳига киради ва ушбу силикат структурали ёнғиндан хавфсиз бўлган оловбардош лок-бўёқ материаллари қурилиш (ёғоч, металл ва бетон) конструкцияларнинг термик бардошлилик, оловбардошлилик ва иссиқлик изоляциялаш хусусияти юқорилиги сабабли кенг ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади.

ХУЛОСА

“Силикат композициялар таркибли антипиренлар асосида полимер материалларни ёнғин хавфсизлигини ошириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ёнғиндан ҳимояланган қурилиш материалларни олиш учун турли хил полимер материалларнинг оловбардошлилигини ва ёнувчанлигини аниқлашда қўлланиладиган ҳар хил турдаги янги усуллари ўрганиш орқали, маҳаллий

хомашё асосида янги турдаги антипиренлар билан модификацияланган оловбардош полимер ва тўқимачилик материалларни олиш усуллари аниқланди.

2. Полиолефин, ёғоч ва тўқимачилик материалларнинг оловбардошлик, ёнувчанлик, тутун ҳосил қилиш, кислородли индексини ҳамда термооксидли барқарорлиги сифатида ёнғин-техник кўрсаткичлари ҳисобланди. Материалларнинг ўзига хослиги ва антипиренларнинг таъсир этиш механизми аниқланди ҳамда ёнғин хавфи паст бўлган материалларни ишлаб чиқиш бўйича энг мақбул йўналишни танлаш учун стандарт усулларни қўллаш орқали материалларнинг ёнғин-техник кўрсаткичларининг комплекс тадқиқот усуллари ишлаб чиқилган.

3. Лаборатория ускуналарида ўтказилган оловли синовларнинг натижаларида прогнозлаштирилаётган ёнғин хавфи ва ҳисоб-китобнинг солиштирма кўрсаткичлари асосида, оловдан ҳимояланиш самарадорлигининг I гуруҳига кирадиган полиэтилен материалларини олиш учун қулай бўлган антипиренларни танлаш таклиф этилди. Полиэтилен, тўқимачилик материаллари ва сув-дисперсли қопламаларга таклиф қилинаётган антипиренларни киритиш термооксидли деструкция жараёнини камайтиришга, иссиқликка бардошлиликни оширишга имкон беради. Полиэтилен ҳамда сув-дисперсли қопламаларнинг термооксидли деструкция қонунийлигига антипиренли таъсирнинг самарадорлигини оширишга эришилган.

4. Янги олинган олов ва иссиқликдан самарали ҳимояловчи лок-бўёқ материаллари, шунингдек, антипиренлар қурилиш материалларни ёнувчан (Ё4) гуруҳдан, қийин ёнувчан (Ё1) гуруҳга ўтказилиши учун хизмат қилади ва ёғоч материалларнинг критик чўғланиш қийматини 14 дақиқадан 18-19 дақиқагача оширишга, яъни, камида 1,1 маротабагача яхшиланиши илмий исботини топган.

5. Янги таркибда олинган олов ва иссиқликдан самарали ҳимояловчи лок-бўёқ материаллари ҳамда антипиренларнинг қўлланилиши, янги олинган таркиб ёғоч конструкцияларнинг мустаҳкамлигини 1,1% гача, термикбардошлигини 1,1-1,15% гача ошириш имконини беради. Ёғоч конструкцияларининг тутун ҳосил қилиш коэффициенти 1,2% гача, ёнғин тарқалиш тезлиги 1,2 баробаргача камайтириш орқали оловбардошлилик кўрсаткичи ошиши илмий асосланган.

6. Ушбу олиб борилган тадқиқотлар натижасига асосан, бино ва иншоотларга ишлатиладиган қурилиш ва пардозлаш материалларига ишлов бериладиган сув-дисперсли лок-бўёқ материалларнинг модификацияланиши орқали, оловга иссиқбардошлилик даражаси оширилди. Натижада, бино ва иншоотларнинг ёнғинбардошлигини мустаҳкамлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширувчи моддалар ишлаб чиқилиши, соҳадаги муаммоларни камайтириш бўйича изланишларда илмий ечимини топиши ўз исботини топди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА ПО
ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ
СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ЛИТЯГА АРТЁМ ВАЛЕРЬЕВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ПОЖАРНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПОЛИМЕРНЫХ
МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ АНТИПИРЕНОВ СОДЕРЖАЩИХ
СИЛИКАТНЫЕ КОМПОЗИЦИИ**

**05.10.02 – «Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Пожарная, промышленная,
ядерная и радиационная безопасность»**

**АВТОРЕФЕРАТДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021. 2. PhD/T1242.

Диссертация выполнена в Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.taqi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Курбанова Махира Абдувахобовна**
доктор философии по техническим наукам (PhD),
доцент

Официальные оппоненты: **Нуркулов Файзулла Нурмунинович**
доктор технических наук, с.н.с.

Мусаев Маруфджон Набиевич
кандидат технических наук, профессор.

Ведущая организация: **Ташкентский архитектурно-строительный институт**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета PhD.40/30.12.2020.T.129.01 по присуждению ученых степеней при Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан 31 января 2022 г. в 11:00 часов. (Адрес: 100102, г.Ташкент, Янгихаётский район, улица Дустлик, дом-5, (тел.: (71) 258-35-33, факс: (71) 258-56-57, e-mail:info@akademiyafvv.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии МЧС Республики Узбекистан (зарегистрирован за № 7). Адрес: 100102, г.Ташкент, улица Дустлик, дом-5, (тел.: (71) 258-35-33, факс: (71) 258-56-57, e-mail:info@akademiyafvv.uz).

Автореферат диссертации разослан ____ января 2022 года.

(реестр протокола рассылки № 1 от 16 ноября 2021 года)

Б.Т.Ибрагимов

Председатель Учёного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., доцент.

Х.М.Дусматов

Учёный секретарь Учёного совета по
присуждению ученых степеней, к.х.н.

Ш.Э.Курбанбаев

Председатель Учёного семинара Научного
совета по присуждению ученых степеней, д.т.н.,
старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Количество пожаров в мире за последние пять лет составляет в среднем 7-8 миллионов в год, число погибших 80-90 тысяч человек, количество раненых 600-800 тысяч человек, материальный ущерб составляет 40 миллиардов долларов США ¹. Анализ крупных пожаров в мире показывает, что быстрое распространение пламени по полимерным материалам и выделение ими густого дыма приводит к большим проблемам при эвакуации людей и спасении материальных ценностей. Именно поэтому по всему миру проводятся широкомасштабные научные исследования проблем поиска научно-технических решений в направлении обеспечения пожарной безопасности. В частности, уделяется большое внимание вопросам применения ряда эффективных средств в области противопожарной защиты различных строительных конструкций, отделочных и текстильных материалов от пожара, в том числе путем обработки теплоизоляционными составами, а также созданию и исследованию антипиреновых свойств элементов огнестойких полиолефинов, лакокрасочных и иных материалов.

В мире ведутся направленные исследования по повышению роста производства продуктов на основе полиолефинов и целлюлозы с повышенными термостойкими, огнестойкими свойствами, а также улучшение качества и прочности применяемых материалов, обеспечивающие пожаробезопасность конструкций объектов. В связи с этим, выбор антипиренов на основе силикатных композиций, применяемых в качестве пропиточных и заливочных компаундов, помимо необходимого уровня физико-механических, теплофизических и электрических свойств, должны обладать пониженной горючестью. Именно поэтому особую значимость и актуальность, представляет собой выбор модификаторов полифункционального действия, а также наполнителей для направленного регулирования свойств полимерных материалов, в том числе пониженной горючести.

На сегодняшний день в нашей Республике с целью повышения степени огнестойкости строительных конструкций и материалов, посредством использования органических и неорганических компонентов, проводятся разносторонние научные изыскания по созданию композиций, значительно повышающих качество строительных материалов. В этой связи, в нашей республике особое внимание уделяется изучению и созданию огнестойких и жаропрочных материалов и композиций на основе местного сырья, не содержащих галогенов и обладающих особой стойкостью при термическом воздействии.

С этой точки зрения данная диссертационная работа в определенной степени служит реализацией задач, определенных Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-4335 от 23 мая 2019 года “О дополнительных

¹ <https://ctif.org/world-fire-statistics>

мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов”, Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-4426 от 24 августа 2019 года “О дальнейшем повышении ответственности органов государственного и хозяйственного управления и органов исполнительной власти на местах за внедрение новой системы локализации производства и ускорение кооперационных связей в отраслях промышленности”, Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №649 от 20 октября 2020 года “Об утверждении правил пожарной безопасности”, а также другими нормативно-правовыми документами, относящимися к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В последние годы учёными Республики Узбекистан и зарубежными учеными разработаны научные основы технологии и структуры трудногорючих полимерных и текстильных материалов, модифицированных силикатными композициями. В теорию и в практику создания трудногорючих полимерных и текстильных материалов, модифицированных силикатными композициями внесён колоссальный вклад такими учёными как Тавиа Б., Лайоном Р.Э., Дубенецким К.Н., Головановым А.В., Берлиным А.А., Перепёлкиным К.Е., Хашхожевым Э.Р., Герасиным В.А., Серковым Б.Б., Хвостенковым С.И., Крашенинниковым О.Н., Ахтямовым Я.А., Тихоновым Ю.М., Сидоровым А.В., Макбузовым А.С., Щербиным А.Н., Жуковым А.З., Бланезым М., Нгуеным А.Н., Пожниным А.П., Кольцовым А.И., Дюлаксом Л., Побединским А.В., Джалиловым А.Т., Миркамиловым Т.М., Исмаиловым И.И., Максумовой О.Т., Искандеровой М., Арифовым П.А., Сулеймановым А.А., Курбанбаевым Ш.Э., Ибрагимовым Б.Т. и другими.

